

Вояга етмаганлар ўртасидаги жиноят ва ҳуқубузарликлар юзасидан

Вояга етмаганлар ўртасидаги жиноят ва ҳуқубузарликлар юзасидан

Вояга етмаган шахларнинг ўртасида содир этилаётган жиноятларнинг сабаб ва омиллари бир талай. Қайсиdir вояга етмаган тўқликка шўхлик қилса. Яна бири бекорчиликдан жиноят кўчасига кириб қолмоқда. Булар орасида қаровсизлик оқибатида қонунни бузганлар ҳам, афсуски, бор. Яъни ота-оналар ўз болаларини кимларгадир қолдириб, хорижга ишлагани чиқиб кетаяпти. Назорат қиласидан одам бўлмагач, ўспирин ҳохлаган кўчасига кириб – чиқмоқда.

Ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги масъулияти қонунчиликда ҳам мустаҳкам белгилаб қўйилганлигини айтиб ўтди.

Айrim болалар турли сабабларга кўра, ота-она қарамоғидан бебахра қолиб, меҳрибонлик уйларида тарбияланадилар. Аксарият ҳолларда меҳрибонлик уйларидан васийлик ва ҳомийлик асосида оталиққа олинган вояга етмаганлар ўртасида ҳам ҳуқубузарликлар ва жиноятчилик ҳолатларининг учраётгани бу борадаги муаммоларининг яна бир омилидир.

Васийлик бу – ўн тўрт ёшга тўлмаган, етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, ҳамда, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган ота-оналарнинг фарзандлари киради.

Ҳомийлик эса-ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгacha бўлган етим болалар, ҳамда, суд томонидан муомалага лаёқати чекланган фуқароларнинг таъминоти, таълим ва тарбия бериш, уларнинг мулкий ва шахсий ҳуқук ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида бириктиришдир.

Аслида олти ойдан зиёд қаровсиз қолган вояга етмаган болаларга васий ва ҳомий тайинлаш чоралари кўриш зарурлигини айтиб ўтди. Бунинг оқибатида айrim ота-оналар фарзандларини ҳеч қандай қонуний ҳужжатларсиз қариндошларига ташлаб, хорижга ишлаш мақсадида чиқиб кетишишмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, айrim ота-оналарнинг ўз фарзандлари тақдирига бефарқлиги кўпинча мудҳиш ҳолатларга сабаб бўляяпти. Бу эса жамиятдаги ижтимоий барқарорликка ўз таъсирини ўтказмай қолмайди

**Бешарик тумани ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлинмаси суриштирувчиси капитан
Ф.З.Нуридинов 15.02.2023 йил**

2023-08-21 08:49:47